



## XALQ DEPUTATLARI YANGIBOZOR TUMAN KENGASHI

Yangiobod tumani, 221200, Navbahor ko'chasi 2-uy, Tel: 0(362) 41-92-062

2022 - yil 19 - yanvar

VI-65-2-12-178-K/22

Yangiobod tuman hokimligi

### Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 126-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг 2022-йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида

Янгибозор тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимининг таклифлари атрофлича муҳокама қилиниб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари туман Кенгаши

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Янгибозор тумани ҳокими Курбанов Ўктам Кучкаровичнинг Янгибозор тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтиришга 910 631 000 (тўққиз юз ўн миллион олти юз ўттиз бир минг) сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020 сонли қарорига асосан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш учун 100 000 000 (юз миллион) сўм, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №132-сонли қарорига асосан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш учун 100 000 000 (юз миллион) сўм, Халқ депутатлари туман Кенгашига обуна харажатлари ва канцелярия моллари сотиб олиш ва полиграфия (табрикнома) хизмати учун 9 000 000 (тўққиз миллион) сўм, Миллий гвардия Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармасининг қўриқлаш хизмати харажатлари учун 73 217 000 (етмиш уч миллион икки юз ўн етти минг) сўм, Урганч туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 24 декабрдаги 4-2201-2102/4446-сонли ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш мақсадида АРТ харажатлари учун 30 000 000 (ўттиз миллион) сўм, туман ҳокимлиги ва тасарруфидаги ташкилотлар ходимларини янги йил байрами муносабати билан рағбатлантириш мақсадида 110 373 000 (бир юз ўн миллион уч юз етмиш уч минг) сўм, "O'zbekiston sud boshqaruvchilar assotsiatsiyasi" Хоразм вилоят бўлимининг 2022 йил 14 январдаги №4-сонли хатига асосан тумандаги

соддалаштирилган банкрот корхоналарни тугатган суд бошқарувчиларининг меҳнат ҳақларини тўлаш учун 44 442 000 (қирқ тўрт миллион тўрт юз қирқ икки минг) сўм маблағ Рўзметов Янгибой Вафаевичга тўлаш мақсадида, “Е-qaror” ва “Е-ijgo” ахборот тизимидан фойдаланиш ойлик абонент тўловлар учун 43 540 000 (қирқ уч миллион беш юз қирқ минг) сўм, туман Маънавият ва маърифат маскани кутубхонасига мебель жиҳозлари сотиб олиш учун 38 000 000 (ўттиз саккиз миллион) сўм маблағ туман ҳокимлигига ажратилсин.

3. Умумтаълим мактабларида жорий таъмирлаш ва тўсик деворлар ўрнатиш ишлари харажатларига (9-сон УТМ-44 800 000, 18-сон УТМ-41 400 000, 22-сон УТМ-117 400 000, 25-сон УТМ-223 500 000, 25-сон УТМ-32 600 000, 27-сон УТМ-46 600 000) 506 300 000 (беш юз олти миллион уч юз минг) сўм маблағ Халқ таълими бўлимига ажратилсин.

4. Қурилиш материаллари ва тунги ёритиш чироқлари сотиб олишга 34 000 000 (ўттиз тўрт миллион) сўм маблағ туман Ободонлаштириш бошқармасига ажратилсин.

5. Маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларини газлаштириш лойиҳаси, газ юбориш созлаш ва тармоққа улаш ишлари учун 14 275 000 (ўн тўрт миллион икки юз етмиш беш минг) сўм маблағ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига ажратилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметов ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ф.Искандаров зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси**



**У.Курбанов**